O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2008 йил 26 март ЧОРШАНБА

№ 23 (12.034)

1928 йил 11 декабрда асос солинган • Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси • Эркин нархда сотилади

www.th.uz

# ЙИЛГА ТАТИГУЛИК КУНЛАР

**КЎПНИ КЎРГАН кексалар, уста ва омилкор деҳқонлар бу йилги кўклам нафасини деҳқончилик учун ҳосиятли, дея баҳолашаяпти. Баҳорнинг илк лаҳзалариданоқ кунлар аста-секин илий бошлади, дов-дарахтлар вақтида уйғонди, ердан қиш ҳовури кўтарилди.**

Аксарият йиллар бўлганидек, табиатнинг мудроқ кўзлари очилиб, ризқу рўз куртаклари бодраётган бир пайтда об-ҳавода уларга жиддий талафот етказадиган кескин ўзгаришлар кузатилмаяпти. Гидрометрология маркази мутахассисларининг маълум қилишларича, олдинда об-ҳаво инжиқликлари билан боғлиқ хавф-хатарлар йўқ, кунлар бир маромда исиб, ҳарорат ҳар куни 2-3 даражага кўтарилиб бораяпти.

Бу йилги шароит деҳқонларимиздан отни барвақт қамчилаб қолишни тақазо этаётир. Негаки, чигит экиб, текис ундириб олишнинг энг мақбул фурсатлари етди. Тупроқ етилиб, намлик меъёрига келди. Демак, ҳар кун ғанимат. Деҳқонлар айтганидек, кўкламнинг бир куни йилга татийди.

Айни вақтда вилоятимизнинг барча пахтакор туманларида тупроқ ва иқлим шароитларига қараб, чигит экиш бошлаб юборилди. Бу йил ҳам деҳқонларимиз жами 108 минг гектар майдонда пахта етиштирадилар. Мавсумга аввалдан пухта ҳозирланган агротехник воситалар узлуксиз жалб этилаяпти. Уруғлик, ўғитлар, ёқилғи-мойлаш ва бошқа керакли ашёлар таъминоти пухта йўлга қўйилган.

Дастлабки маълумотларга қараганда, бўкаликлар 2 минг гектардан зиёд ерга барака уруғларини қадаб улгуришди. Бекобод, Пскент, Оққўрғон, Қуйичирчиқ туманларида ҳам экиш ишлари тобора авж паллага кирмоқда.

Дарвоқе, илиқ-иссиқ кунлардан оқилона фойдаланиб, даласига чигит экишни якунлаган фермер хўжаликларидан хушхабарлар кела бошлади. Оққўрғон туманидаги «Бурхон» фермер хўжалиги деҳқонлари 27 гектар майдонга барака уруғларини қадаб бўлдилар.

– Бу йилги кўклам саховати бошқача, – дейди фермер Бурхон Қурбонов. – Ер тез етилди, намлик тобига келди. Барча техника ва механизмларнинг ўзимизда етарли бўлгани қўл келди. Фурсатни бой бермай ишга киришдик. Насиб бўлса, ҳадемай бехато ва соғлом кўчат олишга эришамиз.



**СУРАТДА:** фермер Бурхон Қурбонов ҳамда хўжалик аъзоси Жаббор Азимовнинг уруғлик сифатидан кўнгли тўқ.

**Пардабой ЭРГАШЕВ олган сурат.**

# ВАҚТИДА ЭККАННИНГ ҲОСИЛИ КАФОЛАТЛИ

**Пахтачиликда ҳосил тақдири кўкламги агротехника тадбирларининг сифатига кўп жиҳатдан боғлиқ. Эрта кўкламда чигит экиш олдидан тупроқни оби-тобида тайёрлаш, намликни етарли миқдорда сақлаб қолиш, экишни мақбул муддатларда, қисқа вақтда ва сифатли ўтказиш, бегона ўтларни йўқотиш – кўчатларнинг барвақт ва текис униб чиқиши, уларнинг меъёрида ўсиши ва ривожланиши учун муҳим омил ҳисобланади.**



Баҳорда ерга ишлов бериш бороналашдан бошланади. Бу иш эрта баҳорда ва экишдан олдин бажарилади. Сўнгра тупроқ молаланади. Агар тупроқ зичлашиб, бегона ўт кўпайган бўлса, ерни 10-12 см. чуқурликда чизеллаш ёки культивация қилиб, бороналаш ва молалаш тавсия қилинади.

Экишдан олдин ерга ишлов бериш билан бирга органик ҳамда минерал ўғитлар, хусусан, экишгача фосфорли ўғитларнинг 70-75 фоизи, калийли ўғитларнинг 50 фоизи солинган бўлиши керак. Азотли ўғитларни экишгача йиллик норманинг 25-30 фоизи 15-18 см. чуқурликка ташланади.

Айрим сабабларга кўра, минерал ўғитларни вақтида солиш имкони бўлмаган тақдирда, экиш билан бир вақтда бериш ҳам самаралидир. Ўғит чигитдан 6-8 см. масофада 12-15 см.дан паст бўлмаган чуқурликка солинади. Бу муддатда аммофос бериш кўпроқ фойда беради.

Мўл ҳосил етиштиришда экилаётган чигитнинг сифати, айниқса, муҳим роль ўйнайди. Чигит сифати уруғликнинг уч босқичдаги ҳолати билан белгиланади: у ғўза тупининг ўзида етилиши, дастлабки қайта ишланиши ва сақлаш жараёнларини ўз ичига олади. Бу босқичларнинг ҳаммасида маълум қоидаларга риоя қилинсагина, уруғлик чигит юқори сифатли бўлади. Акс ҳолда унинг сифатига путур етади. Фақат соғлом, тўла пишиб етилган, мағизи тўқ, яхши сақланган ва экишга тўғри тайёрланган чигитлардангина соғлом ғўзалар ўсиб, ривожланади.

(Давоми 2-бетда).

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ўн учинчи ялпи мажлисининг очилиши тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн учинчи ялпи мажлиси 2008 йил 27 март куни эрталаб соат 10.00 да Тошкент шаҳрида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида очилади.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари диққатига**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари 2008 йил 26 март куни соат 9.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биносининг фойесида рўйхатга олинади.

Вилоят ҳокимлигида

# ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

**НАЗОРАТ қилувчи идоралар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши вилоят бўйича ҳудудий комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Уни вилоят ҳокими вазифасини бажарувчи, ҳудудий комиссия раиси Зиёвуддин Ниёзов бошқарди.**

Назорат қилувчи идоралар томонидан ўтган йил давомида амалга оширилган ишларнинг якуни ва 2008 йилги вазифалар кўриб чиқилди. Жумладан, шу нарса таъкидландики, шу йилнинг ўтган муддатида вилоят, туман ва шаҳар ҳудудий комиссияларида ишчи органига 66 нафар якка тартибдаги тадбиркорнинг фаолиятини қисқа муддатли текшириш учун буюртмалар олинган. Ўтказилган текширишлар натижаларига кўра, уларнинг барчасида муайян қонунбузилиш ҳолатлари аниқланган. 39 нафар якка тартибдаги тадбиркорга нисбатан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар томонидан 46 миллион 36 минг сўм миқдорида молиявий жарима қўлланилган. 27 нафар тадбиркорга нисбатан эса тегишли чоралар кўриш учун ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларга тақдимномалар киритилган.

Назорат идораларининг айрим ходимлари «Текширишларни рўйхатга олиш китоб»ларини тўлдиришда камчиликларга йўл қўяётганлиги аниқланиб, айбдорларга нисбатан тегишли жазо чоралар қўлланилди. Жумладан, китобни тўлиқ ва аниқ тўлдирмаганликлари учун назорат идораларининг 81 мансабдор шахси жазоланди. Жумладан, 9 мансабдор шахс эгаллаб турган лавозимидан бўшатилди, 39 мансабдор шахс интизомий жавобгарликка тортилди.

Вилоятда текширишларни камайтириб бориш тамойили барқарор тус олди. Жумладан, вилоят бўйича 2007 йили 1382 та тадбиркорлик субъектларида текширишлар ўтказиш режалаштирилган эди. Бу йилги режада улар 67 тага камайтирилишига эришилди.

Йиғилиш кўриб чиқилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилди.

# НАВРЎЗИНГДАН АЙЛАНАЙ, ЮРТИМ!

**ЮРТИМИЗНИ ажиб маволарга буркаб, кўнгилларга сархушлик бахш этаётган Наврўзой – Янги кун шарофатларидан яна бири вилоят Маънавият-тарғибот маркази – Қумовулдаги хайр-саховат эзгулик байрами бўлди.**

«Эрта тонг. Карнай-сурнай садолари остида марказ хиёбонига йиғилган вилоятимизнинг фахрийлари, ва фаолларига тўкин дастурхон ёзилди, кўкламнинг тансиқ таомлари – сумалак, ҳалим тортилди. Азиз меҳмонларни вилоят ҳокими вазифасини бажарувчи Зиёвуддин Ниёзов кўкламнинг ҳосиятли Наврўз кунлари билан яна бир бор қутлади.

– Меҳнатсевар, бунёдкор халқимиз учун яшаш, яшариш, яратиш онлари, қутлуғ Наврўз кунларининг ташрифи муборак бўлсин, – деди у. – Мустақиллик неъмати – қайтиб келган қадриятлар байрами – улуғ айёмдаги эзгу тилак-истакларимиз бисёр. Жамият тараққиётига муносиб улуш қўшаётган вилоятимизнинг заҳматкаш инсонлари ҳурматини жойига қўйиш, эъзозлаш мақсадида уюштирилган тадбиримиз кўнгилларни эзгулик нури билан ёритса, бағрикенг Ватанимизга нисбатан муҳаббат, садоқат туйғуларини жўш урдирса, мақсадимиз ҳосил бўлганидир.

Ҳақиқатан ҳам, шодиёнага ташриф буюрган санъаткорлар, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар, «Тошкент зеболари» рақс дастасининг чиқишлари, «Сумалак-сермалак», «Озод-озода» каби театрлаштирилган томошалар, вилоят спорт усталарининг маҳоратлари, истеъдодли ёшлар томонидан тайёрланган турли кўргазмалар тадбирга алоҳида файз бағишлади.

Айниқса, халқ фаровонлиги йўлида фидокорона меҳнат қилаётган заҳматкаш инсонларни, жамоаларни рағбатлантириш мақсадида топширилган қимматбаҳо совғалар, мукофотлар кўнгилларга шодлик бахш этди, меҳнат самарасига бўлган ишончни мустаҳкамлади.

Инсонпарварлик тамойиллари устувор бўлган мамлакатимизда ҳар қандай тадбир, ҳар бир байрам тантаналари аввало, одамларга эътибор, меҳр-оқибат кўрсатиш мақсадида ўтказилади. Вилоятимизнинг барча туман ва шаҳарларида бўлиб ўтаётган Наврўз шодиёналари мазмун-моҳияти ҳам шунга йўғрилган.

Ангрен шаҳридаги Наврўз тантаналаридан бири Янги Гўшсой маҳалласида ҳам кўтаринки руҳда ўтди.

– Бугунги байрамда беш юздан ортиқ маҳалладошлар иштирок этмоқда, – дейди раис Сафармат Ғофуров. – Одамлар юзидаги баҳорий кайфият, кўтаринки руҳ кишига завқ бағишлайди. Райҳон ая бошчилигида тайёрланган Наврўз таоми – сумалакка гап йўқ.

Оммавий тадбирларимизда доимо фаол онахонларимиздаги ғайрат, шижоат ёшларимизга ибрат бўлгудек. Улар аввало беморлар, ёлғиз кексалар ҳолидан ҳабар олишади. Маҳалла жонкуярларидан Гулсанам Ғофурованинг беминнат ёрдамларини таъкидлаш жоиз.

Нурobод қўрғонида эса Наврўз арафасида Ёшлар боғи ташкил этилди.

– Наврўзни ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишлари билан кутиб олдик, – дейди фуқаролар йиғини раиси Муқаддас Эргашева. – Бугунги кунга келиб 300 туп мевали ва манзарали дарахтлар экилди. Қўрғонимизни яшилликка, гўзалликка буркаш ниятидамиз.

Бекобод туманидаги Наврўз шодиёналари марказий ўйингоҳда бўлиб ўтди. Бекободликлар ҳар йили гўзал Баҳор ва Наврўзи оламни катта тараддуд билан кутиб олишади. Меҳр-саховат, эзгулик туйғулари жўш урган нигоҳларда яшаш, яратиш шукуҳи. Мурувватли инсонлар саҳоватидан эътиборга муҳтож кишилар кўнгли чароғон.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Собиржон Мўминов эса эзгу тилакларини дилтортар қўшиқларида изҳор этди.

Пскентликлар Наврўзи ҳақида эса маиший хизмат касб-ҳунар коллежи маънавият-маърифат ишлари бўйича директори ўринбосари Рафоат Эргашева шундай дейди:

– Ёшлар йилининг Наврўзи ўзгача. Яшариб кетган олам чечаклари – бахтиёр ёшлар чеҳрасидаги баҳорий кўтаринкилик дилларига завқ-шавқ бағишлайди. Туман марказида ташкил этилган Наврўз шодиёналарида бизнинг қўли гул, чевар қизларимиз ҳам ўз маҳоратларини намойиш этишди. Улар тиккан миллий либос, зардўзлик буюмлари, рўзғор анжомларини кўриб кўзинг қувнайди.

Хуллас, табиатан қалби эзгуликка эш, олижаноб фазилатларга бой халқимизнинг байрамлари ҳам ўзи каби одамшинаванда, меҳр-оқибат, хайру саховатни тараннум этгувчи баҳорий насимлари мўл-кўл. Истиқлолнинг шарофати билан қайтиб келган Наврўзи олам элимизга баҳорий рўшнолик, ёзу-кузнинг барокатини олиб келсин, заҳматли меҳнатлари роҳатига муносиб замин, асос бўлсин.

Мустақил диёримиз омонлиги барқарор бўлсин.

**Сайёра РИХСИЕВА.**
**«Тошкент ҳақиқати» мухбири.**

**Еркебой БОТИРОВ ва Ҳусанбой АВВАЛОВ олган суратлар.**











# САМАРАДОРЛИКНИ ОШИРИШ ЙЎЛИДА

**Ўлкамизда Наврўз шукуҳи кезаётган шу кунларда Паркент туманидаги "Навбаҳор" агрофирмаси ҳудудида токзорларни турли зараркунандалардан асрашга мўлжалланган янги биолаборатория ишга туширилди. У қўшни тумандаги соҳибкорларга ҳам хизмат кўрсатади.**

Бу ерда биомаҳсулот етказиб беришдан ташқари, токзорларни ҳимоялашга оид маслаҳат хизмати ҳам ташкил этилган. Бу эса сифатли, экологик тоза узум етиштириш билан бирга, токзорлардан самарали фойдаланиш имконини ҳам беради.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, ҳар йили дунё бўйича қишлоқ хўжалигига зараркунанда ҳашаротлар катта миқдорда зарар етказади. Кейинги йилларда уларга қарши кимёвий, биологик ва бошқа усулларда кураш чоралари кўрилмоқда. Айнан биологик усул арзонлиги, қулайлиги, энг муҳими, атроф-муҳитга салбий таъсир қилмаслиги билан аҳамиятлидир.

Юртимизда боғ ва токзорлар тўлиқ фермерлар ихтиёрига берилган. Етиштирилаётган маҳсулотнинг сифатига, унинг харидоргирлигига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бундан аҳоли билан бир қаторда, узумнинг асосий истеъмолчиси ҳисобланмиш "Ўзвиносаноатхолдинг" компанияси ҳам манфаатдордир.

Компания соҳибкорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш орқали ўзаро ҳамкорликни кенгайтириш ва узумчиликни ривожлантириш борасида бир қатор амалий ишлар қилмоқда. Ана шундай хайрли ишлардан бири токзорларни касаллик ва зараркунандалардан асрашда муҳим ўрин тутадиган биолабораторияларни ташкил этишдир.

**Сайёра ШОЕВА,**
**ЎзА мухбири.**

# "ОФАРИН"НИНГ БАҲОР ТУҲФАСИ

**Миллий санъат марказида "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ташаббуси билан "Офарин" рақс театрининг Наврўз байрамига бағишланган мусиқий концерти намойиш этилди.**

"Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси санъатнинг барча жабҳалари каби мусиқа, рақс соҳасида изланаётган ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, янгидан-янги ижодий изланишлар сари даъват этиш борасида кенг кўламли ишларни амалга ошириб келмоқда.

Жамғарма 2003 йилда ташкил этилган ва асосан ёшлардан таркиб топган "Офарин" рақс театри жамоаси иштирокидаги ранг-баранг ижодий лойиҳаларни муваффақиятли амалга оширишга яқиндан кўмаклашиб келмоқда.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

# НАВРЎЗ, ҚАДРИЯТ ВА ЁШЛИК

**ТОШКЕНТ давлат техника университетида «Ўзбекистон тарихи ва ҳуқуқ асослари» кафедраси ҳамда Янгийўл шаҳар академик лицейи жамоалари ҳамкорлигида «Наврўз, қадрият ва ёшлар» мавзусида адабий-бадиий мусиқали кеча ташкил этилди.**

Тадбир давомида Наврўз байрамининг тарихи, ўзига хос хусусиятлари, шунингдек, ёшликнинг бетакрор хислату фазилатлари табиат олами билан уйғунлиги хусусида баён этилган фикр-мулоҳазалар кеча иштирокчиларига ўзгача руҳ бағишлади.

Кечанинг бадиий қисмида миллий қадриятларимиз ва удумларимиз, қайнона-келин муносабатлари, келин саломни акс эттирувчи саҳна кўринишлари замонавий ҳамда бахши қўшиқларига, талаба йигит-қизларнинг шўх рақсларига уланиб кетди.

Шунингдек, тадбир доирасида уюштирилган Наврўз билан боғлиқ мавзулардаги китоблар кўргазмаси барчада катта қизиқиш уйғотди.

**Ҳасан АБДУНАЗАРОВ.**

Спорт Спорт Спорт

# МУҲИМ УЧРАШУВ ОЛДИДАН

**ЖОРИЙ мавсум футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси учун ўта масъулиятли давр. Мамлакатимизнинг энг моҳир чарм тўп усталари 2010 йили Жанубий Африка Республикаси яшил майдонларида ташкил этиладиган жаҳон чемпионатида қатнашиш учун Осиё давлатлари терма жамоалари ўртасида ўтказилаётган учинчи саралаш босқичида тўп суради. Ҳамюртларимиз саралаш гуруҳидаги иккинчи тур учрашувини 26 март куни ўз майдонида Саудия Арабистони терма жамоасига қарши ўтказади.**



Энг асосий рақибга қарши бўладиган ўйин олдидан миллий терма жамоамиз Иордания футболчилари билан ўртоқлик учрашувида майдонга тушди. Мазкур беллашув ҳар икки терма жамоа учун расмий баҳс олдидан сўнгги тайёргарлик вазифасини ўтади.

Шу ўринда, рақиб сифатида Иордания терма жамоаси танланганини бежиз эмаслигини айтиб ўтиш лозим. Ушбу жамоа – қитъадаги энг кучли терма жамоалардан. Бунгача томонлар ўзаро икки маротаба дуранг ўйнаган. Бундан ташқари, араб мамлакатлари терма жамоаларининг ўйин услуби бир-бирига яқин.

"МҲСК" стадиони мезбонлик қилган ўртоқлик учрашуви ҳамюртларимизнинг ҳужумлари билан бошланди. Тўртинчи дақиқада қулай вазиятдан унумли фойдаланган Сервер Жепаров ҳисобни очди. Меҳмонлар ўн иккинчи дақиқада вазиятни тенглаштиришга муваффақ бўлди. Ҳасан Муҳаммаднинг кучли зарбасини терма жамоамиз посбони Игнатий Нестеров қайтара олмади – 1:1.

Шу куни ҳужумкор ўйин кўрсатган ўзбекистонлик чарм тўп усталари танаффусгача иорданияликлар дарвозасини яна бир маротаба ишғол қилди. Ҳужумчиларга ёрдамга етиб келган Ислом Иномов кучли зарба билан терма жамоамизни ҳисобда олдинга олиб чиқди.

Бош жамоамиз устози Рауф Инилеев бошқа футболчиларни ҳам синаб кўриш ниятида иккинчи бўлимда кўплаб ўйинчиларни алмаштирди. Айниқса, ака-ука Зайниддин ва Фарҳод Тожиевларнинг сермаҳсул ўйини мухлису мутахассисларга манзур бўлди.

Иккинчи бўлим бошларида Фарҳод Тожиев Иордания посбони Лоа Салимни доғда қолдирди. Лекин жарима майдончаси ичида унга нисбатан ўйин қоидаси бузилди. Ҳакам томонидан белгиланган пенальтини аниқ бажарган ёш ҳужумчи терма жамоадаги илк голини нишонлади.

Зайниддин Тожиев эса терма жамоамизнинг 4:1 ҳисобидаги ғалабасини таъминлашга муносиб ҳисса қўшди.

**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,**
**ЎзА шарҳловчиси.**



*– Оҳ, қандай мазали!*

Даврон АҲМАД сурат-лавҳаси.

## Амалий санъат усталари

**Ҳар бир халқнинг ўзлигини намойиш этувчи қадриятлари, осори атиқалари, табаррук тарихий ёдгорликлари, қўйингки, бошқаларга ўхшамайдиган жиҳатлари бўлади. Дунёда хитой чиннисию эрон шойиси, ўзбекнинг пахтасию қозоқнинг чорваси деган иборалар ўша халқ табиатидаги ўзига хос бетакрорликка ишора бўлса ажаб эмас. Ўша хитой чинниси билан бир қаторда ҳурматга сазовор бўлган, «Тошкент пиёласи» дея эъзозланиб келаётган ўзбекнинг пахта гулли чиннисини ким билмайди дейсиз? Миллийлигимизнинг бир бўлаги сифатида жавонларда ардоқланиб сақланадиган пахта гулли чиннилар узоқ йиллардан буён замонавийлигича қолаётганининг сири унинг ажойиб, нафис нақшларида эмасмикин?**



# ҚАЛБДАН КЎЧГАН ЧИЗГИЛАР

Бугунги ҳикоямиз қаҳрамони ана шу нодир санъат ихтирочиси, Ўзбекистон халқ рассоми Ҳолиқул Ҳайдаровдир.

Ҳолиқул ота ўзининг нуроний ёшига қарамай, ҳали ҳам ўз устахонасида, тиним билмайди. Ортда эса эллик йиллик қизғин меҳнат фаолияти. Ҳолиқул ота болалик чоғлари ҳақида ҳаяжон билан сўзлайди.

– Болаликдан гўзал табиат манзараларининг ошиғи эдим, – дейди рассом. – Расм дарсидан доимо «беш» баҳога ўқиганман. Тошкент туманидаги 12-мактабнинг илк қалдирғочларидан эдик. Урушдан кейинги оғир йиллар, оилавий шароит туфайли ўқий олмадим. Лекин қарорим қатъий эди. Беньков номидаги рассомчилик ва дизайн билим юртида ўқиш насиб этди.

Бўлғуси рассом устозлари – Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Самиғ Абдуллаев, академик Малик Набиев ҳақида чуқур эҳтиром билан сўзлайди.

– Нашриётда «Гулхан», «Ғунча» журналларининг безак ишлари бўйича фаол муаллифлардан эдим, – дейди ота фахр билан. – 1960 йилда Ўзбекистон чинни заводининг бадиий лабораториясида ўзбек сополчилиги – керамика бўйича етакчи мутахассис бўлиб ишлай бошладим...

Ҳолиқул Ҳайдаров шу йиллари чинни кўзага биринчи марта рангли портрет чизишни кашф этди. Айниқса, улуғ шоир Алишер Навоий юбилейига атаб тайёрланган чинни кўза ҳатто чет элларда ҳам машҳур бўлиб, кейинчалик Беруний, Мирзо Улуғбек, Ғафур Ғулом, Шайхзода каби улуғ инсонларнинг сиймолари шундай чинни кўзаларда акс этган эди. Бундай нодир санъат намуналари нафақат Ўзбекистонда, балки чет эл музейларида ҳам сақланмоқда.

Ўзбек халқининг донғи кетган машҳур рассомлари кўп. Улар орасида нафосат оламининг заргари, сеҳрли мўйқалам соҳиби Чингиз Ахмаровнинг санъати алоҳида қадрли. Ҳолиқул ота устози Чингиз Ахмаровнинг таклифи билан чинниларга янги ўзбек миллий нақшларини чиза бошлади. Натижада «Ўзбекистон», «Оқ олма», «Наманганнинг олмаси» каби чиннилар тўплами яратилди. «Меҳнат қилган – элда азиз» дейишади. Ҳолиқул Ҳайдаровнинг ҳалол меҳнати қадрланиб, ўз вақтида муносиб баҳосини олган.

Мустақиллик арафасида пенсияга чиққан рассом, мана ўн саккиз йилдан буён мўъжазгина устахонасида фарзандлари, невараларига ўз ҳунарини ўргатиш, миллий нақш санъатининг янги-янги қирраларини очиш билан банд. Лекин, қадрдон нашриётда, заводда бирга ишлаган ҳамкасблари билан тез-тез учрашиб туради.

– Инсон кўнгил кишиси, хотиралар асири экан, – дейди ота. – Мен юрган йўлларимни, бирга ишлаган, учрашган қадрдон, азиз инсонларни қўмсайман, шунинг учун уларнинг дийдорига ошиқаман. Устоз Малик Набиев билан эса ҳозир ҳам тез-тез учрашиб турамиз.

Мустақил Ўзбекистоннинг бахтиёр ёшларига жуда ҳавас қиламан. Янги-янги ўқув-таълим муассасалари, санъат кошоналарини кўриб, руҳланиб кетаман. Яқинда узоқ йиллар бирга ишлашган Зулфияхонга ўрнатилган ҳайкални кўриб, истиқлол шарофатига шукрона келтирдим.

Бу кундан-кунга юксалиб, қад ростлаб бораётган мустақил юрт, озод диёримизнинг порлоқ келажагига бўлган ишонч, ёшлар камолотига бўлган умид шукронаси бўлса ажаб эмас.

**Сайёра ЭШМАТОВА.**

## • Айтишларича •

### СУВЛИ ТЎШАК БЕЛГА ДАВО

Ҳозирги кунда миллиондан ортиқ америкаликлар ичи сув билан тўлдирилган махсус тўшакларда ухлашади. Бундай усул бир неча йиллар муқаддам Калифорнияда пайдо бўлганди.

Шифокорларнинг таъкидлашларича, турли бел оғриқларидан азоб чекаётганларга худди шундай усул фойда бераркан.

### ТУХУМ ПЎЧОҒИНИНГ КАРОМАТИ

Швециялик бир гуруҳ олимлар тухум пўчоғи сув ҳавзаларини тозалашини айтишмоқда. Тажриба саноат корхоналарининг чиқиндилари оқизилган ва натижада «ўлик» кўлга айланган ҳавзада ўтказилди. У ерга бир неча тонна тухум пўчоғини ташлашган эди сув тозаланиб, кўл яна «тирик» ҳавзага айланди.

## Mitti rivoyat

# SUV PARISI VA DEHQON

Bir dehqon o`tin g`amlagani o`rmonga bordi. O`rmon yonginasidan katta soy oqib o`tar edi. Dehqon yog`och kesib charchadi. Suv bo`yiga, bir daraxt soyasiga yotib dam olmoqchi bo`ldi. U boltasi bilan arqonini biqiniga qo`yib endi cho`zilgan edi, boltasi sirg`alib suvga tushib ketdi. Dehqon bir bog`lam o`tin bilan uyiga qanday borishini o`ylab, yig`lamoqdan beri bo`ldi. Suv parisi bechora dehqonning zorini eshitib turgan edi, darhol bitta tillo bolta olib chiqib, uzatdi.

- Xafa bo`lma, ey inson, mana boltang!

- Yo`q, bu meniki emas, - dedi dehqon, - mening boltam temirdan edi.

Suv parisi uni sinash uchun kumush bolta olib chiqdi. Dehqon uni ham olmadi. Nihoyat, suv parisi temir bolta ko`tarib chiqdi. Dehqon xursand bo`lib ketdi.

- Mana bu bolta meniki! - dedi qo`l cho`zib. - Rahmat senga, suv parisi!

Suv parisi bu dehqonning halolligini ko`rib, qoyil qoldi va uchala boltani unga hadya qilib, ko`zdan g`oyib bo`ldi.



Dehqon uyiga keldi. O`tinni saroyga tushirdi. Keyin qo`shnisini chaqirib, soy bo`yida bo`lgan hodisani aytib berdi. Qo`shnisining ko`zi chiqib ketay dedi. Negaki, u tekin narsani ko`rsa, o`zini tomdan tashlaydigan kimsa edi. Darhol beliga arqon bog`ladi. Eski boltasini qo`liga olib, yo`lga tushdi. To`g`ri o`sha soy bo`yiga borib, o`tirdi-yu, boltasini sekin suvga tashladi. Keyin ne bo`lar ekan, deb kuta boshladi. Bir mahal tillo bolta ko`tarib suv parisi chiqdi.

- Mana bu senikimi, ey inson? - dedi u.

Ochko`z dehqon qo`l cho`zib, qichqirdi:

- Meniki! Meniki! Bu yoqqa bera qol!

Suv parisi dehqonning so`ziga ishonmadi va qayta suv qa`riga kirib ketdi. Shunday qilib, ochko`zlik qilgan kishi o`z boltasidan ham ayrilib qolgan ekan.

**Sayfi SODIQ.**

## ICHIMDAGI YOV

Mirzaterakni yiqitdilar. Uning terisini shilib, tanasidan pona yasadilar. Bu pona bilan terakning gavdasini ikki bo`lakka bo`la boshladilar. Terak mungli g`irchillab, nola qildi:

– Men boltadan xafa emasman. Uning ishi chopmoq, kesmoq. Men ichimdan chiqqan ponadan xafaman. O`zingdan chiqqan yov yomon deb shuni aytishar ekan-da, endi bildim.

## NOMI CHIQQAN TABIB

Qo`zichoq xastalanib, yotib qoldi. Onasi Sovliqxon qo`rqib ketdi. U shoshganidan o`rmonga borib, bo`rini boshlab keldi. Bo`ri nomi chiqqan tabib edi. U qo`zichoqning hamma a`zolarini birma-bir ushlab ko`rib, so`radi:

– Qaering og`riydi, qo`zivoy?

Qo`zichoq qo`rquvdan dag`-dag` titrab dedi:

– Siz qaerimni ushlasangiz, shu erim og`riydi...

**QARNOQLI.**

# СКАНВОРД



Тузувчи Файзулла АБДУЛЛАЕВ.


Тошкент вилоят Адлия бошқармаси ҳузуридаги нотариат бўйича Малака комиссиясининг 2008 йил 15 мартдаги йиғилиш қарорига асосан Қибрай туман давлат нотариал идора катта нотариуси Хикматилла Абдуллаевич Юлбарисовнинг нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиясининг амал қилиш муддати 2008 йил 15 мартдан вақтинча тўхтатилди.

Тошкент вилоят Адлия бошқармаси ҳузуридаги нотариат бўйича Малака комиссиясининг 2008 йил 15 мартдаги йиғилиш қарорига асосан Оҳангарон туман давлат нотариал идора нотариуси Абдухалил Хамраевнинг нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиясининг амал қилиши 1 ой муддатга тўхтатилди.

Миробод туманидаги "MIROBOD AGRO-INVEST" МЧЖ (ИНН 205886692, ОКОНХ 21120, ОКПО 20467585) ТУГАТИЛАДИ.
Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомида 233-05-40 рақамли телефон орқали қабул қилинади.

Тошкент вилояти табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси жамоаси Паркент тумани табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг мутахассиси Нафиса Миржамоловага падари бузруквори **Ҳомид ота ЖЎРАЕВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Телефонлар: Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 236-55-54. Эълонлар: 233-90-82, 236-53-54.

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-240. Адади 11524. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Саҳифаловчи: Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ.

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясида босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 20.10. 1 2 3 4 6 7 8